

O'ZBEKISTON

ISSN 2181-502X



QISHLOQ XO'JALIGI

№10 . 2011

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI



*Чигит кудрати,
Дехқон меҳнати —
Мисқол тоналар,
Миллион тонналар.*



КУЗГИ БУГДОЙЗОРЛАРДАГИ БИР ЙИЛЛИК БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРШИ БИОСТАР ГЕРБИЦИДИНИ ҚўЛЛАШ

Кичик ҳўсаллик экинлари, жумладан, кузги бугдой дон ҳўсалдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашнинг муҳим омилларидан бири галлазорларда ўсувчи бир йиллик бегона ўтларга қарши ўз-вақтида самарали кураш олиб боришдир. Бегона ўтларнинг зарари туфайли кузги бугдой ҳўсали 30-35 % гача камайиб, унинг сифати кескин пасаяди. Уйим-йиғим муддатининг узайишига, комбайнлар иш унумдорлигининг пасайишига сабаб бўлади.

Мамлакатимизда бегона ўтларнинг 200 га яқин бир йиллик икки паллали, галласимон ва кўп йиллик бегона ўт турлари учрайди. Бу бегона ўтлар галла экинлари ичида ўсади, улар сербарг, сершоҳ, бакувват илдиз ва илдиз бачкиларига эга бўлади.

Улар туپроқдаги сувни, озуқа моддаларни, минерал ўғитларни ўзига тез ўзлаштиради, галлага соя беради, галла поясининг синиши, ётиб қолишига сабабчи бўлади, оқибатда галла ҳўсилдорлигига катта зарар етказлади.

Бегона ўтларга қарши агротехник тадбирлар билан курашиш мумкин, лекин бу тадбирлар билан галлазорларни бегона ўтлардан батамом холос қилиб бўлмайди. Бегона ўтларга қарши самарали курашиш учун агротехник тадбирлар билан бирга кимёвий ҳимоя воситаларидан (гербицидлар) фойдаланилгандагина кутилган натижага эришиш мумкин.

Сўнгги йилларда кузги бугдойзорлардаги бегона ўтларга қарши курашишда турли гербицидлар қўлланилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти илмий ходимлари 2009—2010

Кузги бугдойзорларда ўсувчи бир йиллик, икки паллали бегона ўтларга қарши Биостар гербицидини ўргача самарадорлиги

Бегона ўтлар	Гербицид себилмасдан аввал 1 м ²	Гранстар 75%с.т.с. 20 г/га(назорат)		Биостар75%с.т.с. 20 г/га	
		дона/м ²	%	дона/м ²	%
Шўра	3,6	0,2	91,6	0,2	91,6
Олабута	3,9	0,2	91,1	0,2	91,1
Ит узум	3,6	0,3	91,3	0,2	94,4
Бўри тароқ	3,7	0,3	91,8	0,3	91,8
Ёпишқоқ ўт	3,5	0,2	94,2	0,2	94,2
Юлдузча ўт	3,4	0,3	91,1	0,2	94,1
Супирги ўт	3,6	0,3	91,6	0,2	94,4
Ўргача	3,5	0,3	91,8	0,2	93,0

йилларда Ўртачирчиқ туманидаги “Жўрабой ота” фермер ҳўжалигининг кузги бугдой экилган 7 гектар майдонида бир йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши Биостар гербицидини қўллади.

Тажриба 3 такрорланиш, ҳар бир такрорланиш 2 га. дан иборат бўлиб, жами 6 га. ни ташкил этади. 2 йил мобайнида Ёнбош нави ҳар йили октябрнинг биринчи ўн кунлигида экилди. Ҳар гектар ерга 200—220 кг ҳисобида уруғ сочилиши.

Кузги бугдойзорлардаги бир йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши Биостар гербициди пуркалди. Катта бўлакли тажриба қуйидаги схемада 2 йил давомида олиб борилди. Назорат гербицидсиз, Гранстар 75% с.т.с. — 20 кг/га (таққослаш) ва Биостар 75% с.т.с. — 20 г/га ҳисобида препарат бўйича олинди. Бир йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши пуркаш ОВХ-28 пуркагичи ёрдамида, ишчи суюқлиги 300 л ҳисобида апрелнинг 5—7 кунларида ёппасига пуркалди. Шу муддатларда бир йиллик икки паллали бегона ўтларнинг ўргача бўйи 7—8 см, ҳаво

ҳарорати 25—27%°С, шамолнинг тезлиги 2—3 м/секунд эди.

Тажрибада бегона ўтларни санаш ва кузатиш қуйидаги услубий кўрсатмалар асосида олиб борилди.

Кузги бугдойзорларда ўтказилган тажриба майдонларида бир йиллик икки паллали бегона ўтлардан: шўра, олабута, ит узум, бўри тароқ, ёпишқоқ ўт, юлдузча ўт, супирги ўтларни ўргача сонлари 24,8, 23,9 м² да ташкил этди.

Бу даврда Биостар гербициди галла туپланиш даврида бегона ўтлар 3—5 чинбарг чиқарганда ёппасига пуркалди. Пуркалган гербицидларнинг асосий қисми бегона ўтларнинг барг ва новдалари орқали ўсимликка шимиллиб 5—7 кун ўтгач унинг таъсири сезилди.

Тажрибалардан маълум бўлишича, бир йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши гербицид қўлланилгандаги ўргача икки йиллик самарадорлиги муддатлар бўйича бир йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши, Биостар 75% с.т.с. ишлатилганда 93—96,6% самарадорликни берди. Кузги бугдойзорларда ишлатилган гербицид Биостар 75% с.т.с. ишлатилган миқдорлари бир йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши яхши самарадорликни кўрсатганлиги билан бир вақтда иккинчи йил мобайнида кузги бугдойнинг ўсиши, ривожланиши, ҳўсил туپлаши ва ҳўсилдорлигига ҳеч қандай таъсир этмади, аксинча 2 йил мобайнида бугдой донидан назорат вариантга нисбатан 5,7—6,8 ц/га. дан кўшимча дон ҳўсали сақлаб қолинди.

Хулоса қилиб айтганда, кузги бугдойзорлардаги бир йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши Биостар 7,5% с.т.с. — 20 г/га миқдорда ишлатилганда 93—96,6 % самарадорликка эришилди. Натижада икки йил мабойнида назорат вариантга нисбатан 5,7—6,8 ц/га кўшимча дон ҳўсали сақлаб қолинди.

Н. ТУРДИЕВА,
қ.х.ф.н.